Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

5-йил чиқиши.
6 ИЮЛЬ 1970 й
ДУШАНБА
№ 157 (1225).
БАҲОСИ 2 ТИЙИН

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

РЕДАКТОРЛАР ЙИҒИЛИШИ

Яқинда Ўзбекистон Коммунистик партияси Тошкент область комитетида пойтахт область район партия комитетлари секретарлари ва район газеталари редакторларининг семинар-йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда Тошкент область партия комитетининг секретари ўртоқ Б. А. Абдуразоқов район матбуотининг меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашдаги роли ва газета саҳифаларида Ленин мавзуининг ёритилиши ҳақида доклад қилди.

Сўнгра иш тажрибаси юзасидан кенг фикр олишув бўлди. Сўзга чиққанлар матбуотга партиянинг раҳбарлик ролини кучайтириш, материал тайёрлашда журналист масъулияти, мавзуларни ишлашга тўғри ёндошиш тўғрисида гапирдилар. «Мўл ҳосил учун» (Оққўрғон райони) газетаси редактори У. Умаровнинг район газетасида хабарлар тайёрлашнинг оперативлиги ва район шароитини ҳисобга олиш, «Суръат» (Юқори Чирчиқ райони) газетаси редактори Р. Даутбековнинг газетада социалистик мусобақани ёритиш, «Коммунизм тонги» (Оржоникидзе райони) газетаси редактори Р. Убайдуллаевнинг район газетаси фаолиятини пландаштириш борасидаги фикр ва мулоҳазаларини йиғилганлар қизиқиш билан тингладилар.

Йиғилишда Ўзбекистон журналистлар Союзи Тошкент бўлими правлениесининг раиси А. И. Исмоилов ҳам сўзлади.

Ж. ҒУЛОМОВ.

БЕШ ЙИЛЛИК ВАХТАСИ

ПАХТА ЗАВОДЛАРИ УЧУН

Бугун

пахта саноати марказий илмий-тадқиқот институти экспериментал — ишлаб чиқариш механика участкасининг беш йиллик бошидан бери ишлаб чиқарган пахта толаси 1000 тоннага етди.

Маҳсулотнинг ана шу тури устахона томонидан бу ерда ўзлаштириладиган янги тажриба пахта тозалаш механизмларининг технологик-ишлаб чиқариш синовлари учун мўлжаллангандир.

Устахона коллективи куни-кеча маҳсулотни реализация қилиш беш йиллик топшириғини бажарди.

Беш йилликлар даврида устахонада йиғилган машиналарнинг ва механизмларнинг кўпгина тажриба намуналари ишлаб чиқаришга жорий этилди. «2СБ-10» типидаги барабан сушилкалар шулар жумласидандир.

— Йил охиригача ишлаб чиқариш техника ташкилотининг коллективи,— дейди экспериментал устахона директори М. Ўрмонов, — келаси беш йиллик эвазига 300 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга аҳд қилди.

Суратдаги бу йигит «Средазэнергоцветмет» корхонасига қарашли механика устахонасида силиқловчи бўлиб ишлайди. Геннадий Коритце беш йиллик шахсий топшириғини бажариб ҳозир келаси йиллар ҳисобига меҳнат қилмоқда.

ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ ЙЎЛИДА

Улкан цехлар устига ташланадиган темир-бетон тўсинлар, ҳар хил қувурлар, кўприклар устига ётқизиладиган плита каби буюмлар қурилишимиз учун жуда зарур материал ҳисобланади. Илгари бошқа шаҳарлардан келтириладиган бу материаллар эндиликда Қуйлиқдаги кўприк темир-бетон конструкциялари экспериментал заводида ишлаб чиқарилмоқда.

Бугун

заводда тайёрланган шундай муҳим қурилиш материалларининг ҳажми ўн уч минг кубометрга етди. Бу планда белгиланганидан минг кубометр ортиқдир.

Юбилей йили топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун курашаётган коллектив йил бошидан пухта замин тайёрлади. Ҳозир графикдан ўн беш кун ўзиб кетилди. Иккинчи ярим йиллик ҳисобидан 184 минг сўмлик маҳсулот қўшимча реализация қилинди.

Ҳозир корхонада узунлиги 24 метрли тўсин тайёрлайдиган махсус стенд қурилмоқда.

КВАРТАЛДА САВДО МАРКАЗИ

Ц-4 кварталида яқиндагина икки қаватли муҳташам бино қад кўтарди. Бу Киров районининг савдо марказидир. Унинг биринчи қаватида кийим-кечак ва оёқ кийимлари ремонти устахоналари, химчисткнинг прокатнинг қабул пункти каби одамларнинг ҳар кунги ҳожатини чиқарадиган, аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатувчи корхона жойлашади. Унинг ёнгинасида озиқ-овқат магазини очилади. Бинонинг иккинчи қаватида юз эллик кишига мўлжалланган кафе ишга тушади.

Шу кунларда юқорида айтиб ўтилган корхоналарга керакли жиҳозлар ташиб келтирилмоқда. Бу савдо марказининг ишга туширилиши Тошкент аҳли учун яна бир қулайлик яратади.

АДРЕСИ ЎЗГАРАДИ

Р. Храпченко бошлиқ қурилиш-монтаж бригадаси азаматлари фабрика қурилишини шу кунларда жадал суръатларда олиб бормоқдалар. Ҳозир янги устки трикотаж фабрикаси биносининг иккинчи қавати қуриб бўлинди. Эски фабрика кейинги пайтда маҳсулот ишлаб чиқариш кўлами жиҳатидан талабга жавоб бермай қолганди. Янги бино замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган, кенг ва шинам бўлади.

Ҳозир фабрика чеварлари йилига 1 миллион 300 минг дона трикотаж буюмлари ишлаб чиқараётган бўлсалар, янги бино ишга тушгач, 1 миллион 600 минг дона буюм тикадилар.

Фабрика қошидаги қурилиш-монтаж бригадаси шу йил сентябргача янги бинони фойдаланишга топшириш учун ғайрат қилишяпти.

Шаҳар — қишлоққа

ТАШАББУС ИЗИДАН

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти студентларининг етиштирилган мўл дон ҳосилини нобуд қилмай йиғиштириб олиш ва Ватан омборларига ўз вақтида топширишда ғаллакорларга ёрдамлашиш тўғрисидаги ташаббуси кенг қулоч ёйди.

Ташаббусга биринчи бўлиб қўшилган Марказлаштирилган юк ташиш трестига қарашли автобазаларнинг шофёрлари Самарқанд областининг Ғаллаорол районларида ғалла ташишмоқда. Улар ўзлари билан юк машинаси ва прицепларни олиб кетганлар.

Биринчи автомобиль базасининг коллективи ҳам ўз бурчини ҳалоллик билан ўтаб, ҳамманинг ҳурматига сазовор бўлмоқда. Бу коллектив пойтахтимиз аҳолисининг ёқилғига бўлган талаб ва эҳтиёжини қондиришда катта жонбозлик кўрсатмоқда. Шу туфайли улар трестнинг кўчма Қизил байроғини сақлаб келишмоқда.

Ғаллани йиғиб олиш ва омборларга ташиш ишига автобаза 60 машина ажратган.

Ғалла ташишда иштирок этаётган шофёрлар узоқ йиллардан бери авариясиз ишлаб келаётган меҳнат ветеранларидир. С. Расулов, И. Қамбаров, Х. Мирзараҳимов, М. Каримов, Э. Эрматов, С. Тўлаганов, А. Маннопов, К. Эшматовлар шу кунгача давлат омборига йигирма минг тоннадан зиёд ғалла ташиб беришди.

Ушбу суратда рўзғор холодильниклари заводининг йиғув цехи тасвирланган. Бу ерда «ОАЗИС-2» холодильниклари конвейер усулида йиғилади.

М. Нуриддинов ва **И. Шонназомов** фотолари.

Ноёб топилма

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг тарих ва археология институти олимлари Сергели райони яқинидаги қадимий Хонобод қишлоғида қазилма ишларини олиб бормоқдалар. Куни-кеча улар бу ердан кўҳна мис танга топишди. Тангада эркак қиёфаси акс эттирилган. Бу топилма олимлар томонидан ўрганилмоқда.

Хонободда яна бир ноёб топилма топилди. Узунлиги одам бўйи келадиган сопол кўза бут-бутунлигича турибди.

КАТТА ҲАЁТ БЎСАҒАСИДА

Бугун

Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институти биология, агрономия ва география факультетида сўнгги давлат имтиҳони бўлди. Бу йил факультетни 185 киши муваффақиятли тугатди. Шулардан 15 киши имтиёзли диплом олишга сазовор бўлди. Жумладан, жиззахлик М. Зуҳурова, самарқандлик Б. Зарипов, хоразмлик И. Тошпўлатов, сурхондарёлик Н. Исомов, тошкентлик М. Рустамовалар ана шундай бахтга сазовор бўлдилар. Уларнинг кўпчилиги қишлоққа бориб ишлаш истагини билдирди. Факультет декани ўринбосари Тоҳир ИСҲОҚОВ бу йилги планлар ҳақида қуйидагиларни гапириб берди:

— Факультетимиз ҳар йили юзлаб малакали кадрлар тайёрлаб чиқаради. Улар илмий-текшириш институтларида илмий иш олиб борадилар, мактабларда химия, биология, география, қишлоқ хўжалик асосларидан дарс берадилар, бевосита қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам ишлайдилар. Бу йил сиртқи бўлимнинг рус ва ўзбек группаларига 200 киши қабул қилинди. Ҳозир эса кундузги ва кечки бўлимларга ҳужжатлар қабул қилиш бошланди.

ИНСТИТУТГА КИРМОҚЧИ БЎЛСАНГИЗ...

Бугун

қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва ирригациялаш инженерлари институтида талабалар учун математика ва физикадан оммавий лекция бошланди. Шаҳар «Билим» жамияти ташкил этган бу лекторийда институтга кирувчилар учун химия, СССР тарихи, математика, физика ва адабиётдан малакали ўқитувчилар лекция ўқимоқдалар.

Бундан ташқари, Октябрь районидаги Чапаев номидаги 42-мактабда ҳам лекторий ўз ишини бошлади. Бу ерда ҳар куни юзга яқин абитуриентлар ўз билимларини мустаҳкамламоқдалар.

Институтга кирмоқчи бўлсангиз, ана шу жойларда ташкил қилинган лекторийларда қатнашишингиз мумкин. Лекторийда машғулот бир кунда икки сменада, 1 августгача олиб борилади.

СУРАТДА: Шаҳримизнинг энг кўркам кўчаларидан бири — Навоий номли кўчада қад кўтарган янги уйлар тасвирланган.

М. Юсуфжонова фотоси. (ЎзТАГ).

ИБРАТЛИ ИШЛАР

Шаҳримиздаги Ҳамид Олимжон номли маданият уйи доимо кишилар билан гавжум. Бу ерда ташкил қилинган кечаларда мириқиб ҳордиқ чиқариш мумкин. Маданият уйининг бадиий ҳаваскорлик ансамбли Пушкин номли, «Ғалаба», Ленин комсомоли истироҳат боғларида, «Отчопар», «Ўзбекистон», «1-квартал» маҳаллаларида концерт қўйиб, кишиларнинг олқишига сазовор бўлмоқда. Бу йил ёзда жами 43 та концерт қўйиб берилади.

Ансамблда А. Назиров, А. Исҳоқов, М. Мамлюкова, С. Назруллаева, Ҳ. Каримова, А. Эшонхўжаева сингари маҳоратли ашулачи ва ўйинчилар бор. Шулардан, Азиза Эшонхўжаева район талантлари кўригида «Уйғурча» рақси учун соат ва Фахрий ёрлиқ билан мукофотланди.

Маданият уйида шу кунларда иш қизғин. Яқинда электр музика асбоблари ансамбли ишга тушди. Сентябрь ойида бу ерда «Маданият университети» очилади. Унда кино, хореография, ҳайкалтарошлик, музика каби бўлимлар бўлади.

С. ИМОМОВА.

Каникул кунларида — И. Шонназомов фотоэтюди.

МИЛЛИЙ НАҚШЛАР

Тошкентлик заргарлар ўз маҳоратларини кун сайин ошириб бояптилар. Улар ҳозирги кунда мамлакатимиз пойтахтидаги Халқ Хўжалиги Ютуқлари виставкасида шу йил август ойида намойиш қилиниши керак бўлган зийнат буюмларни тайёрлашяпти.

Коллектив тайёрлаётган узук, билак узук, зирак ва бошқа нарсаларда миллий нақшлар ишлатилади.

ГУГУРТСИЗ ОЛОВ

Тошкент пластмасса заводи электр зажигалкалар ишлаб чиқаришга киришди.

Кеча

йиғув цехи дастлабки ўн мингинчи зажигалкани тайёрлади.

Янги зажигалкалар чақмоқ тошсиз ишлайди, уларга бензин қуйиш ҳам керак эмас. «Марс» типидаги иккита чўнтак фонарь батареяси бир йилга етиши мумкин.

Зажигалканинг яна бир хусусияти шуки, унда олов йўқ. Олов вазифасини қизиб, чўғ бўлган сим бажаради. Уни газ горелкасига яқинлаштириш кифоя.

Бу йил завод бир ярим миллион электр зажигалкалари тайёрлайди. Корхона туҳфаси мамлакатимизнинг барча республикаларига юборилади.

СЎНГГИ ҚЎНҒИРОҚ

Куни-кеча шаҳар партия комитети қошидаги марксизм-ленинизм кечки университетида сўнгги қўнғироқ чалинди. Юбилей йилида университетнинг етти филиалида машғулотлар юксак савияда ўтди.

Кечки университетни 400 мутахассис муваффақиятли тугатди.

• Катта анжуман олдидан

Фестиваль тараддуди

Осиё ва Африка мамлакатларининг энг яхши кино маҳсулотларини аниқлаш ва рағбатлантириш, турли мамлакатлар кино ходимлари билан ҳамкорликни ва халқлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлаш мақсадида «Тинчлик, социал тараққиёт ва халқлар озодлиги учун» шиори остида ўтказиладиган II Тошкент кинофестивали 15 сентябрда Санъат саройида тантанали равишда очилади. Бу улкан киноанжуман ўн кун давом этади.

Фестиваль «Ўзбекфильм» ижодий коллективи яратган «Фавқулодда комиссар» (сценарий муаллифлари О. Агишев, А. Ҳамроев, постановкачи режиссёр Али Ҳамроев) фильми билан бошланади.

Шу кунларда фестивалга тайёрланиш ва уни ўтказиш билан боғлиқ бўлган барча ташкилий ҳамда амалий ишлар қизғин олиб борилмоқда. Осиё ва Африка мамлакатларига таклифномалар юборилди. Бу мамлакатларнинг етакчи кино арбоблари, кино юлдузлари таклиф этилди. Таклиф этилганлар орасида ўзбек киномухлисларига таниш бўлган кўплаб киноижодкорлар бор.

Туркия, Кипр, Ливан, Сурия, БАР, Жазоир ва бошқа бир қатор мамлакатлар фестивалда иштирок этажаклари тўғрисида ташкилий комитетга ва фестиваль дирекциясига ҳозирданоқ хабар бериб қўйдилар.

Ўзбек киномухлислари 1968 йили бўлиб ўтган биринчи Тошкент кинофестивалида Бирлашган Араб Республикасининг «Почтачи», «Исёнчи», «Хотинимнинг номуси», «Болалар ва қизлар», «Қизлар ибодатхонаси», «Хон ал Халилий», «Қоҳира 30-йилларда», Сурия киночиларининг «Юк машинаси ҳайдовчиси» ва «28126 рақамли одам», Жазоирнинг «Оресдан эсган сабо», «Йўл», Ливаннинг «Араб медицинаси» каби бир қанча бадиий ва ҳужжатли фильмларини мароқ билан томоша қилган эдилар.

Биринчи кинофестиваль кунлари ишлаб турган кино бозори Бирлашган Араб Республикаси санъаткорлари яратган «Почтачи», «Қизлар ибодатхонаси», «Исёнчи» каби фильмларни сотиб олди. Бу фильмлар мамлакатимиз экранларида муваффақият билан намойиш этилмоқда.

Фестивалда ҳар бир мамлакат битта тўла метражли бадиий ва қирқ беш минут давом этадиган қисқа метражли фильм билан қатнашади. Бундан ташқари ҳар бир мамлакат ташкилий комитет билан келишган ҳолда ахборот мақсадида бошқа фильмларни ҳам тақдим этиши мумкин.

М. МИРСОАТОВ.

ЖАНГЧИЛАР ҲУЗУРИГА

Куни-кеча бир группа Ўзбекистон санъат усталари Польша Халқ Республикасида хизмат қилаётган Совет Армияси солдатларига концертлар бергани жўнаб кетдилар. Сафарга кетаётган группанинг раҳбари, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати, режиссёр Мансур Саъдуллаев концерт программаси ҳақида қуйидагиларни айтди.

— Польшадаги совет жангчилари учун ранг-баранг куй ва қўшиқлар, рақслар ўзбек шоирларининг шеърларини олиб бориляпти. Ўзбекистон усталарининг концерти А. Новиковнинг «Ленинни жаҳон эслайди» номли қўшиғи билан бошланади. Бу қўшиқни, шунингдек ўзбек операларидаги арияларни ва ўзбек композиторларининг замонавий қўшиқларини моҳир ижрочилар опа-сингил Ойниса ва Рафоат Кучликовалар ижро этишади. Ўзбек халқ лапарлари ва шарқ мамлакатлари лапарлари ижрочиси, талантли қўшиқчи Гулшод Отабоева ҳам ўз санъатини намойиш қилади. Бундан ташқари, концерт программасида ўзбек балети ва миллий рақс ижрочилари Роза Муродова, Анвар Абдураҳмонов, IX Жаҳон ёшлар фестивалининг лауреати Ўткир Холмуҳамедовларнинг чиқишлари бор. Хонанда — республикада хизмат кўрсатган артист Баҳром Мавлонов ҳам ўзининг янги қўшиқларини жангчиларга совға қилади.

Группада композитор Сайфи Жалил раҳбарлигида миллий асбоблар ансамбли ҳам бор. Улар янги дилрабо куйлар ва қўшиқлар билан солдатларимизни ҳушнуд қилиш ниятида. Санъаткорлар Ватандан йироқда ўз граждандик бурчини адо этаётган Совет жангчиларига концертлар қўйиб бериш билан бирга, уларни ўзбек халқининг кейинги йилларда санъат соҳасида эришган ютуқлари билан таништирадилар.

О. КАМОЛХЎЖАЕВ.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

УРУШ ВЕТЕРАНЛАРИНИНГ УЧРАШУВИ

БЕЛГРАД. Европа мамлакатларидаги уруш ветеранлари миллий ташкилотларининг кенгаши Белградда ўз ишини тамомлади. Бу кенгашда СССР, Франция, Польша, Италия, Румыния, Германия Демократик Республикаси, Германия Федератив Республикаси ва Югославиядаги мана шундай ташкилотларнинг вакиллари қатнашди.

Кенгашнинг иши тўғрисидаги хабарда айтиладики, бу кенгашда Европадаги барча давлатларнинг уруш ветеранлари конференциясини чақириш имконияти кўриб чиқилди. Бу конференциянинг вазифаси турли мамлакатлардаги уруш ветеранлари ўртасида ҳамкорликни ривожлантиришдан ва Европада тинчликни мустаҳкамлашдан иборат бўлиши лозим.

(ТАСС).

ИНТЕРВЕНТЛАР ЖИНОЯТЛАРИ

ВИА агентлигининг озодлик матбуот агентлиги маълумотларига асосланиб берган хабарига қараганда, Америка — Сайгон қўшинларининг авиацияси 2 июнда Камау вилоятидаги Тханьбиньтай қишлоғига қаттиқ ҳужум қилди. Натижада шу қишлоқ аҳолисидан 30 киши ўлдирилди ёки ярадор қилинди, катта моддий зарар етказилди.

Чавинь вилоятидаги Канглонг районида 5 июндан 16 июнгача ўтказилган операциялар вақтида жазо отрядлари 350 уйга ўт қўйди.

Касабланка — Марокашнинг йирик порт шаҳарларидан бири.

СУРАТДА: Ленинград шаҳри номи билан аталган кўчада.

Е. Куницин фотоси.

● Жамоатчилик назорати остида

САБЗАВОТ, БОЗОРЛАР, ХАРИДОРЛАР

Ҳозирги кунда деярли ҳар бир шаҳарликнинг қўлида ёз неъматларини — мева-чева ва сабзавотларни кўрасиз.

Магазинлар, дўконлар, гавжум кўчаларда олхўридан тортиб, олма ва ўриккача, картошкадан тортиб, пиёз, лавлаги, карамгача ҳамма нарса тўлиб ётибди. Шаҳарликлар бу йилги мўл ҳосилдан, уни етиштириб берган дала азаматларидан ниҳоятда миннатдордирлар.

Бу мевалар ва сабзавотларнинг қай тариқа, қандай сотилаётгани халқ назоратчилари диққатидан четда қолаётгани йўқ.

Йирик саноат корхоналари, район марказларида «Шаҳарликларни мева ва сабзавот маҳсулотлари билан таъминлашда халқ назоратчиларининг роли» мавзуида қатор йиғилишлар бўлиб ўтди.

Халқ назоратчилари ўз постларида сергак туриб, бозорлар, ва савдо корхоналари ишларини батафсил текширишяпти.

Энг сўнгги рейд июнь охирида уюштирилиб, юздан ортиқ назоратчи қуйидаги камчиликларни очиб ташлашди.

Харидор бўлса бас

Харидор бўлса бас—мол топилаверади, деган гап бор. Харидорлар жуда сероб. Айниқса йирик саноат корхоналарида исталганча топилади. Шу сабабли магазинлар ҳам кўпинча ана шундай жойларга қурилади. Баҳорда эса, улар ёнида ёз мевалари, сабзавот маҳсулотлари сотиладиган бозорчалар ташкил этилади, дўкончалар очилади. Масалан, Киров райпишчеторги сабзавот маҳсулотлари ва мева-чева сотиладиган эллик уч савдо нуқтаси ўрнатди. Бироқ «Юлдуз» фирмасига ўхшаш айрим йирик корхоналар ёнида бундай дўконлар ташкил этиш эътибордан четда қолиб кетган.

Фрунзе райпишчеторги ўнлаб йирик корхоналар ёнида сабзавот дўконлари очди. Шу райондаги «Таштекстильмаш» заводи меҳнаткашлари учун Ташзаготплодоовшчторг анчагина шароит яратган. Шунингдек, тўқимачилик комбинати ишчи таъминот бўлими ҳам корхона меҳнаткашларини сабзавот ва мевалар билан таъминлаб туради.

Абразив буюмлар комбинати ва 1-ёғочсозлик заводи ишчилари ҳам ёз неъматларидан баҳраманд бўлишни исташар эди, албатта. Бироқ бу ерларда ҳозирча юқоридагидай савдо уюштирилмади. Шунингдек, бошқа қатор корхоналар ҳам бундай қулайликдан маҳрум бўлишган.

Ҳар фаслнинг ўз хислати бор

Ҳар фаслнинг ўз хислати бор, ҳар фаслнинг ўз фазилати дейилганидек, ҳар бир меҳнаткаш ёз неъматидан баҳраманд бўлгиси келади. Аммо, афсуски, бозор маъмуриятлари ўз зиммасига юкланган вазифани яхши бажара олмаяпти.

Халқ назоратчилари шаҳар бозорлари аҳволини батафсил текшириб кўрди. Бозорда савдо қилувчи колхозчидан олинаётган ҳақ, унинг тарози ва бошқа бозор қулайликларидан қандай фойдаланаётганини ҳам аниқлашди. Натижада, колхозчиларнинг савдо қилиши учун етарли шароит яратилмаётгани кўзга ташланди.

Якшанба куни эрталаб соат бешданоқ ҳамма прилавкалар банд бўлади. Госпитал, Қўйлиқ, Олой, Биринчи Май, Октябрь ва бошқа бозорларнинг, деярли, ҳаммасида шу аҳвол.

Баъзилар жойни шанба куниёқ банд қилиб қўйишади. Айримлар кеча-кундуз шу ерда қолиб савдо қилишади. Булар, асосан, олиб сотарлардир. Бу нарса одат тусига кирган. Деҳқон эса, молини қаерга қўйишни билмай, ё йўлга ё бир бурчакка тиқилиб қолади. Бозор чекчалари нечоғлик ифлос бўлишини ҳаммангиз биласиз. Деҳқонларнинг шундай жойларга ўрнашишлари санитария қоидаларига тўғри келмаслигини ўзингиз тасаввур қилиб олаверинг.

Тозалик ҳақида алоҳида гапириш керак. Прилавкада нарса сотаётган одам қоида бўйича фартук, енгча кийиши лозим. Чунки тарозу, жой, тош учун пул тўланган пайтда булар учун ҳам ҳақ тўланади. Аммо бозор маъмуриятидан олинган бу кийимлар одам қараб бўлмас даражада ифлос бўлади. Уни кийишни ҳеч кимнинг кўнгли тортмайди. Суриштириб келинганда, шундай ифлос кийимлар ҳам етарли эмас. Текширувчиларнинг аниқлашларига қараганда, деҳқонлардан кунига 50 тийиндан ҳақ олиб, керакли анжомлар билан тўла таъминлашмайди. Марказий ва Октябрь бозори ҳамда бошқа қатор бозорларда аҳвол шундайлиги аниқланган.

Октябрь бозорида бир жойнинг ўзига бир кунда бир неча бор патта сотилар экан. Бу ерда мева ва сабзавот маҳсулотлари павильонида жой учун бериладиган патта ҳақини 20—30 тийин ортиғи билан олишар экан. Бозор атрофи ўз вақтида супуриб-сидирилмайди, ҳамма ёқ ифлос.

Олой бозорида кўзга ташланган манзара эса, ҳамма жойдагидан ҳам хунук. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сифати жуда паст. Сотувчиларнинг кўпчилиги беҳужжат. Ўзининг ортиқча маҳсулотини сотаётгани ҳақида ҳеч қандай гувоҳномаси йўқ. Бозор санитария талабларига мутлақо жавоб бермайди. Шунингдек, тарозилар ҳам яхши созланмаган. Бозордаги энг яхши жойлар чакана сотувчиларга ажратилган. Улар нон, мева, сабзавот маҳсулотларини ейиб, бемалол савдо қилишади. Деҳқон келтирган маҳсулот ерда қолиб кетади.

Олой бозорининг «Узбексельмаш» заводи ёнидаги филиалида ҳам аҳвол худди юқоридагидай. Сотилаётган нарсаларнинг нарҳи кўрсатилмаган, ҳеч ким махсус кийим билан таъминланмаган. Квитанциялар эса, ҳар хил баҳода. Жой ҳақи нима учундир савдо тугаб, (тарози топширилгандан) кейин олинади.

Ҳамза районидаги бозорлар ҳам санитария қоидаларига жавоб бермайди, ниҳоятда ачинарли аҳволда. Бу ерда сабзавот ювадиган бирорта жой йўқ. Водопровод ҳам, фонтанчалар ҳам кўринмайди.

Савдо—ҳисоб-китоби билан

Фрунзе райпишчеторги июнь ойида 965 тонна сабзавот сотиши керак эди. Аслида шу рақамнинг ярмича савдо бўлган. Айниқса, карам, помидор, сабзи каби маҳсулотларнинг сотилиши ёмон. Киров райпишчеторгида аҳвол бир мунча дурустроқ, бироқ бу ерда ҳам зиммадаги топшириқ бажарилган эмас.

Сабзавот маҳсулотлари дўконларда тиқилиб ётибди. Лекин сифати кишини ранжитади. Ташзаготплодоовошчторгнинг 9-магазинида сабзавот маҳсулотининг ўнлаб тури бор. Бироқ бирортаси ҳам харидорбоп эмас сўлиган, қуришган, буришган...

Куйбишев райпишчеторгидаги 9 ва 75-магазинларнинг филиалларида, 37, 81 ва бошқа қатор магазинларда чиқитга чиқарилган сифатсиз олма, лавлаги, картошка каби маҳсулотлар сотилаверган.

75-магазиннинг филиалида совет савдосига мутлақо зид фактга дуч келинди. У ерда 17 тийинлик пиёз 15 тийиндан сотилаяпти. 9, 75 ва 37-магазинларнинг ифлослиги ҳаммани ҳайратда қолдирди. «Гастроном», 1 ҳамда 66-магазинларда ҳам худди шу аҳвол.

Рейд пайтида назоратчилар бозорни ўз уйи қилиб олган олиб сотарларни қўлга туширишди. Жумладан, Чилонзор район халқ назоратчилари бир группа савдогарларни фош этишди. Бешёғоч, Фарҳод бозорлари ва Пионер кўчасида ушланган савдогарлар қилмишларига яраша жазоланадилар.

Сўнгги кунларда Олой бозорининг ўзидагина қирқ беш олиб сотар қўлга тушди. Куйбишев район халқ назоратчилари ва ОБХСС ходимлари томонидан ушланган олиб сотарлар 1600 килограмм сабзавот, мева ҳамда 120 килограмм апельсин билан қўлга тушган.

Текин пул кетига тушган олиб сотарлар қилмишларига яраша жазоланадилар. Сабзавот ҳамда мева савдосида ғирромлик йўлига ўтиб олган олиб сотарларга қарши курашда кенг жамоатчилик қатнашмоғи лозим. Токи шаҳарликлар ёз неъматлари билан яхшироқ таъминлансин.

С. ВАДЬКО.

СУРАТДА: Шаҳримиздаги «Болалар дунёси» магазинига қарашли 10 павильон сотувчилари Ўткир Фозилов (ўнгда) ва Мамлакат Мирғаниевалар. Улар харидорларга товарлар танлашда ёрдам бермоқдалар.

М. Нуриддинов фотоси.

ЯХШИ МАҚСАД

«Главташкентстрой»нинг биринчи уйсозлик комбинатига қарашли биринчи пардозлаш бошқармасидаги Владимир Вавилов бошчилик қилаётган участка пардозчиларининг иши билан танишар эканмиз, серғайрат, ўз ишига пухта, аҳил коллективнинг сўзи билан иши бир эканлигига қаноат ҳосил қилдик.

Ўтган ярим йил мобайнида улар Октябрь районининг Қорақамиш массивида 384 хонадон истиқомат қиладиган 6 та уйни, Чилонзор районида икки уйни фойдаланишга топширишди.

Мана, яна шу Чилонзордаги 20 кварталнинг Хирмонтепа мавзуида иккита ҳар бири 72 квартиралик уйни ҳам аъло сифат билан пардоздан чиқарилди. Тез кунда яна 144 оилани хушнуд этадиган квартиралар фойдаланишга топширилади.

Шу кунларда, пардозчилар асбоб-ускуналарини, пардозлаш материаллари ва механизмларни шу 20 кварталда қад ростлаган 32 квартиралик уйга кўчириб, иш бошлаб юборишди.

Участкада меҳнат интизомига алоҳида эътибор берилади. Эрталаб иш жойига олиб келиш ва ишдан кейин эса, уй-уйларига элтиб қўйиш учун ишчиларга махсус автобус бириктилган.

Иссиқ овқат ўз вақтида иш жойининг ўзига келтириб берилади. Ҳар бир бригада газли сув баллонлари билан таъминланиб турилади.

Қурувчилар ўртасида оммавий-маданий ишларни олиб бориш Владимир Добровольский зиммасига юклатилган. Участкага газета, журналлар мунтазам келтириб турилади.

Бу аҳил коллектив 9 август—бинокорлар Кунини 9 ойлик пардозлаш планларини бажариш билан кутиб олишга ҳаракат қилмоқда.

Т. НАЖМИЙ.

ПЛАНЕТАМИЗ ЯНГИЛИКЛАРИ

ВАТАНПАРВАРЛАРНИНГ ЗАРБАЛАРИ

ХАНОЙ. Жанубий Вьетнам халқ озодлик қуролли кучлари июнь ойида Америка-Сайгон қўшинларига кучли зарбалар беришни давом эттирди.

Вьетнам информация агентлигининг озодлик матбуот агентлигига асосланиб хабар беришича, ватанпарварлар мамлакатнинг марказий районларида ойнинг биринчи палласида душманнинг 6 мингдан ошиқ солдат ва офицерини сафдан чиқарганлар, 45 самолётини ва юзга яқин ҳарбий автомашинасини мажақлаб ташлаганлар. Халқ озодлик қуролли кучларининг жангчилари Бенчва ва Митхо вилоятларининг маъмурий марказлари яқинида бўлиб ўтган жанглар чоғида душман солдатларидан салкам 500 кишини қириб ташлаганлар ва ярадор қилганлар.

Сўнгги кунларда ватанпарварлар Туендик вилоятида Америка босқинчилари ва малайларининг неча ўнлаб ҳарбий базаларига муваффақиятли ҳужум қилганлар. (ТАСС).

РУАНДА ХАЛҚИНИНГ БАЙРАМИ

БУЖУМБУРА. Руанда халқи ўзининг миллий байрами—республика тузилганлигининг 8 йиллигини тантанали суратда нишонлади. Шу муносабат билан республика президенти Грегуар Кайибанда нутқ сўзлаб, Руанда халқининг мамлакатни иқтисодий ривожлантиришга ва саводсизликни тугатишга кўмаклашишга даъват қилди. Президент таъкидлаб ўтдики, ҳукумат бундан кейин ҳам Африкадаги мустақил давлатлар билан дўстлик ва ҳамкорлик сиёсатини ўтказаверади.

Байрам охирида ҳарбий парад ва оммавий сайил бўлиб ўтди.

(ТАСС).

АГРЕССОРЛАРГА ЗАРБАЛАР

АММОН. Фаластин ташкилотларининг партизан отрядлари оккупация қилинган араб территорияларида турган Исроил қўшинларига сезиларли зарбалар беришни давом эттирмоқдалар.

«Ал-асифа», «Фаластинни озод қилувчи араблар фронти» ва «халқ озодлик кучлари» отрядларининг партизанлари Ғазо секторида, Голан адирида ва Иордан дарёси водисининг шимолий қисмида ҳаракат қилиб кейинги икки кун ичида Исроил машиналари тўпламига миномётлардан ўт очдилар, бир неча бронетранспортёрни ичидаги солдатлари билан яксон қилдилар. Кфар рўппин ва Аз-зараа қишлоқларига ракета ва миномётлардан ўт ёғдирдилар. Ғазо районида катта электр симёғочларининг бир қанчасини портлатдилар. (ТАСС).

✦ ✦ ✦

САВОДСИЗЛИККА ҚАРШИ

ҚОҲИРА. Бирлашган Араб Республикасининг миллат мажлиси мамлакатда саводсизликни тугатиш тўғрисидаги янги қонунни маъқуллади. Қонун БАР нинг 8 ёшдан 45 ёшгача ҳамма гражданлари саводли бўлиши кераклигини кўзда тутади.

БАР миллат мажлиси қабул қилган янги қонун БАРда ўтмиш мустамлакачилик даврининг оғир сарқитларидан бири-саводсизликка тағ-туги билан барҳам бериш ишига муҳим ҳисса қўшади, албатта.

✦ ✦ ✦

СУРАТДА: Будапештдаги «Қизил юлдуз» заводи. Бу ерда ишлаб чиқарилган тракторлар жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида ишлатилмоқда.

МТИ—ТАСС фотоси.

РЕПРЕССИЯЛАР КУЧАЙТИРИЛМОҚДА

ЛОНДОН. ТАСС МУХБИРИ А. Дряхлов хабар беради: Консерваторлар ҳукуматининг ички ишлар министри Р. Модлинг икки кунлик визит билан Ольстер пойтахти Белфастга келди.

Министрнинг бу ерга ошиғич келганлигининг сабаби шуки, кейинги кунларда мамлакатдаги вазият жуда кескинлашиб кетди ва ғалаёнлар тўхтамаётир. Инглиз қўшинлари билан аҳоли ўртасида бўлган кўча жангларида ва тўқнашувлар натижасида шимолий Ирландия аҳолисидан 6 киши ўлдирилди ва 300 га яқин киши жароҳатланди. Модлинг Белфастга учиб кетиш олдидан шимолий Ирландиядаги вазият тўғрисида гапириб, бу вазият «Ғоят жиддий ва жуда хатарли» эканлигини айтди.

Англия министри шимолий Ирландия ҳукуматининг аъзолари билан суҳбатлар ўтказиб, мамлакатдаги ғалаёнларни бостирмоқ учун бундан буён кўриладиган чораларни муҳокама қилади.

Америка солдатлари қаердан ўтмасин у ерлар харобаларга айланмоқда.

СУРАТДА: Сайгоннинг шимолидан ўттиз километр нарида жойлашган Го Да У посёлкасида америкалик солдатлар қилган жиноятлар.

НОРОДОМ СИАНУК БАЁНОТИ

ПХЕНЬЯН. АҚШ президенти Никсон, Американинг қуруқликдаги қўшинлари 1970 йил 1 июлга қадар Камбоджадан олиб чиқиб кетилади, деганлиги муносабати билан бу ерда Нородом Сианукнинг баёноти эълон қилинди.

Американинг қуруқликдаги қўшинлари Камбоджадан олиб чиқиб кетилганлиги билан Америка агрессорлари томонидан Кхмер халқига нисбатан 1970 йил 1 майдан 30 июнга қадар қилинган ваҳшиёна жиноятларнинг даҳшатли излари йўқ бўлиб кетмайди, дейилади баёнотда. Американинг қуруқликдаги қўшинларини Камбоджа территориясидан олиб чиқиб кетиш учун икки ҳафтадан кўпроқ вақтдан бери кўрилаётган тайёргарлик чоғида «Б-52» бомбардимончи самолётларининг Кхмер шаҳарлари ва вилоятларига осмондан қилаётган ҳужумлари кучайтирила берди. Қўшма штатларнинг халқи ва бутун дунё шуни билиб қўйишлари керакки, деди Н. Сианук, Американинг қуруқликдаги қўшинлари олиб чиқиб кетилиши билан АҚШ ҳарбий қуролли кучларининг Камбоджа территориясини шиддатли бомбардимон қилиши тағин ҳам кўпроқ кучайтирилади.

Нородом Сианук мамлакатнинг кенг районларини тўла равишда контрол қилиб турган Камбоджа ватанпарвар кучларининг муваффақиятларини қайд қилиб ўтди ва Американинг қуруқликдаги қўшинлари Камбоджа территориясидан олиб чиқиб кетилганлиги билан Камбоджадаги ва Ҳинди-Хитойнинг бошқа районларидаги урушни тамомлаш муддати яқинлашмайди. Ҳинди-Хитой мамлакатларининг халқлари, деди Нородом Сианук, Америка интервенциячиларининг ва иттифоқчиларининг барча қўшинларини бутун Ҳинди-Хитойдан ҳеч сўзсиз ва батамом олиб чиқиб кетишни талаб қилмоқдалар.

(ТАСС).

Ғарбий Покистоннинг янги маъмурий бўлиниши

КАРОЧИ. Ғарбий Покистоннинг маъмурий бўлиниш картаси ўзгартирилди. Унинг территориясида мавжуд 15 та «бирлашган вилоят» ўрнига янгидан тўртта вилоят: Панжоб, Ғарби-Шимолий чегара вилояти, Синд ва Белужистон ташкил этилади. Президент Яҳёхоннинг фармонига биноан ҳар бир вилоятга губернатор бошлиқ қилиб қўйилади, маҳаллий маъмурият вилоят парламенти, олий суд ва бошқа ҳокимият органлари тузилади. Вилоятларнинг 1970-1971 молия йили учун бюджетлари эълон қилинди. (ТАСС).

РЕАКЦИЯ ҲУЖУМ ҚИЛМОҚДА

НЬЮ-ЙОРК, Қўшма штатларда аҳолининг демократик ҳуқуқлари қўпол равишда поймол этилмоқда. Америкалик машҳур тарихчи Генри Стил Коммаджер шундай хулосага келди.

Коммаджер «Лук» журналида эълон қилинган мақоласида маккартизм бебошлиги бошлангандан бери Америка Қўшма Штатларида ҳеч қачон бундай аҳвол юз берган эмас деб кўрсатади. Авторнинг ёзишича, конституцион эркинликларга маъмурларнинг рухсати билан расмий шахсларнинг ўзи ҳужум қилмоқда.

Коммаджер асосий конституцион эркинликларнинг қўпол равишда бузилаётганлигини кўрсатувчи мисоллар келтириб, жумладан, Кент университетида ва Жексонда (Миссисипи штати) тинч студентлар намойиши ўққа тутилганлигини эслатиб ўтади. У, аҳолини таъқиб қилиш ва бир қанча муассасалар хизматчиларининг «ишончли кишилар эканлигини» текшириб кўришни қайта бошлаш электрон машиналар орқали амалга оширилаётганлигини кўрсатиб ўтади.

Гражданларнинг демократик ҳуқуқларига ҳужум қилинаётганлигини кўрсатувчи яна бир далил маъмурларнинг ҳукумат сиёсатини танқид қилишни бўшаштириш мақсадида оммавий информация воситаларини ўз назоратлари остига олаётганликларидир, деб уқдиради олим. (ТАСС).

Кун тартибида— тинчлик ва хавфсизлик

Австрия пойтахтида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 25 йиллиги ва халқлар тинчлиги ҳамда хавфсизлигини мустаҳкамлаш масалаларига бағишланган Халқаро Коллеквиум бўлиб ўтди. Бу учрашувни ташкил этган Халқаро тинчлик институти Австрия, Венгрия, Германия Демократик Республикаси, Румыния, Совет Иттифоқи, ГФР, Чехословакия ва Швейцариянинг кўзга кўринган олимлари ҳамда жамоат арбобларини, шунингдек бир қатор халқаро ташкилотларнинг вакилларини таклиф қилди.

Коллеквиум қатнашчилари тинчлик институтининг президенти Жеймс Эндикотт (Канада) ва вице-президенти Н. Е. Полянов (СССР) раислигида ўтказилган мунозара ва мажлисларда сўзлаган докладларида БМТ олдида турган муҳим масалаларни ҳамда бу ташкилотнинг истиқболларини муҳокама қилдилар.

Доктор Эрист Флориан Винтер (Париж, ЮНЕСКО), Москвадаги Жаҳон экономикаси ва халқаро муносабатлар институтининг профессори Г. Морозов, асосий докладчилар бўлиб, «БМТ ва тинчликни сақлаш» темасида, Берлиндаги Гумбольдт номидаги университет профессори Штайнигер БМТ нинг ривожланиш характери ва истиқболлари, турган вазифаларни ҳал қилишда унинг аҳамияти тўғрисида доклад қилдилар.

БМТ нинг Бош секретари У. Таннинг учрашув қатнашчиларига юборган табрик телеграммасида жумладан, қуйидагилар ёзилган: «Мен кўзга кўринган олимлар ўз Коллеквиумларида фикр олмашаётган вақтларида БМТнинг келажакда дунёда янада муҳим роль ўйнашига имкон берадиган йўллар ва воситалар топилади, деб ишонаман... 1970 йил Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳаётида тарихий йил бўлади. Тинчлик ишига ёрдам беришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган ҳамма кишилар ва группаларнинг самимий қўллаб-қувватлаши илгари ҳеч қачон шунчалик зарур бўлмаган эди».

Мунозаралар тугагач эълон қилинган матбуот баёнотида Коллеквиум Шарқ ва Ғарб олимларини бир стол теварагига тўплаб ўз вазифасини бажарди, ҳамма доклад ва нутқлар алоҳида нашрларда чиқарилади дейилган.

Халқаро тинчлик институти БМТнинг Бош секретарига коллеквиум қатнашчилари номидан ёзган жавоб хатида барча тинчликсевар кучлар Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ўз уставига оғишмай риоя қилиши асосида тинчлик ва халқлар хавфсизлигини сақлаш ҳамда таъминлашга қаратилган фаолиятининг активлашувидан манфаатдор деб ишонч билдирди.

Р. КРЕСТЬЯНИНОВ.
АПН мухбири.

Совет Иттифоқи Покистонга машина, трактор ва кўплаб станоклар юборади. Совет мутахассислари покистонлик ҳамкасбларига ҳозирги замон совет техникасини ўрганишда катта ёрдам бермоқда.

СУРАТДА: покистонлик инженер, механика цехининг бошлиғи Паша (чапда) ва совет мутахассислари.

В. Вавилов фотоси.

Шарқ юлдузи

ИЮНЬ СОНИДА

«Шарқ юлдузи» журналининг июнь сони Ленин мукофоти лауреати Ғафур Ғуломнинг шеърлари билан очилади. Шунингдек сиз Й. Шамшаровнинг «Чироқ» романининг давомини ўқишингиз мумкин.

Журналнинг бу сонида болалар адабиётига кенг ўрин берилган. Қ. Муҳаммадий, Т. Йўлдош, О. Абдураҳмонов, Т. Адашбоев ва бошқаларнинг шеърларини завқ билан ўқийсиз.

И. Раҳимнинг «Мангулик қўшиғи» қиссасининг охири, ғазалхон шоирлар Ҳабибий, Ҳузурий ва бошқаларнинг янги асарлари ҳам шу китобдан ўрин олган.

«Санъат», «Танқид ва адабиётшунослик», «Тақризлар» рубрикалари остида қизиқарли материаллар эълон қилинган. «Мушт кетди» саргузашт қиссасининг навбатдаги бобини С. Аҳмад ёзган.

Ғафур ҒУЛОМ,
Ленин мукофоти лауреати.

БИЗНИНГ УЙГА ҚЎНИБ ЎТИНГ, ДЎСТЛАРИМ

Ўзбекистон юртига борган чоғи,
Гурр очилур қардошларнинг қучоғи,
Дилда қайнар неъматларнинг ўчоғи,
Асфальт йўлда «Волга»нинг тўпчоғи,
Аввал бизга қўниб ўтинг, дўстларим!
Ғафур Ғулом кимлигини биласиз,
Адресимдир Ўзбекистон, шубҳасиз,
Қисталанг гап, бизникига келасиз,
Ташриф этиб мени хурсанд қиласиз,
Бахт уйида тунаб ўтинг, дўстларим!
Олам билар, Фурқат кўча йўли бор,
Беруний майдони, ёшлар кўли бор,
Муқимий биносин худди сўли бор,
Кўрсатувчи милиционер қўли бор,
Бизнинг уйга қўниб ўтинг, дўстларим!
Дўстлар учун дарвозамиз ланг очиқ.
Бошингизга гул япроғидан сочиқ,
Бу тоза сув, атирсовун, оқ сочиқ,
Сўлим айём, келишингиз ярашиқ,
Албат бизга қўниб ўтинг, дўстларим!
Келасиз деб жамбил, райҳон ўтқаздим,
Ким келибди даста-даста тутқаздим.
Заъфар битмай қолди— бир оз ютқаздим.
Қардошликда олтмиш баҳор ўтказдим,
Бизнинг уйга қўниб ўтинг, дўстларим!
Жойни солиб гулзорнинг ўртасига,
Парқу болиш, атласдан кўрпасига,
Мушт тушириб қайғунинг калласига,
Жўр бўлишиб ўн беш тил алласига,
Бизнинг уйга қўниб ўтинг, дўстларим!
Шукр айтаман толеимга, болам кўп,
Чаккаларга тақилгудай лолам кўп,
Келин-кеват, тоға, амма, холам кўп,
Кўк чой учун етгулик пиёлам кўп,
Бизнинг уйга қўниб ўтинг, дўстларим!
Болалик уй — қалб уйининг бозори,
Шўхликка шўх, Том Сойернинг сардори,
Суйганлари фото ва қўл фанори,
Тегишмаган кишига йўқ озори,
Бизнинг уйга қўниб ўтинг, дўстларим!
Ўртангизда ёзиқлик шу дастурхон,
Сахийликда мисоли катта жаҳон,
Дастурхоннинг боши эрур тузу нон
Юлдуз каби яшариб сиздай меҳмон,
Бизнинг уйга қўниб ўтинг, дўстларим!
Дастурхонда меваларнинг тури кўп,
Бариси пок, шабнамдай тоза, маҳбуб,
Узум, анжир, шафтоли дер: мени ўп,
Шу қовунни сўйиб енг роҳат қилиб,
Бизнинг уйга қўниб ўтинг, дўстларим!
Бу қирғовул, бу тувалоқ, бедона,
Бу ширмой нон —юзларида седона.
Қази-қарта, сомса дегани мана,
Ҳасип, норин, сиз эмассиз бегона,
Бизнинг уйга қўниб ўтинг, дўстларим!
Мана будир гилос, олма, шакароб
Ва бу эса чаросдан тортган гулоб,
Ичганларни ҳушёр қилувчи шароб,
Бу қимизни симқоринг кучга қараб,
Бизнинг уйга қўниб ўтинг, дўстларим!
Ҳар гуручи анор доңа ош билан,
Муҳаррамой лаганмас қуёш билан,
Қўл кўкракда, таъзим этиб бош билан,
Ёр-оғайни, қари-картанг, ёш билан
Бизнинг уйга қўниб ўтинг, дўстларим!
Шеър ўқийлик Лутфийдан, Навоийдан,
Бедил, Фурқат, Пушкин ила Жомийдан,
Кейин қолмай замона айёмидан,
Дил ёрисин мисралар илҳомидан,
Бизнинг уйга қўниб ўтинг, дўстларим!
Ҳар китобдир оиламиз офтоби,
Тирсиллайди кутубхона шкафи,
«Кимники» деб сўрса меҳмон арбоби,
Ғафур деган бир Насриддин китоби,
Бизнинг уйга қўниб ўтинг, дўстларим!
Кекса шоир тилидан овозимиз,
Шундай ўтсин ҳар баҳору ёзимиз.
Кўп кўринсин кўзингизга озимиз,
Дўстлар учун жонимиз ниёзимиз.
Бизнинг уйга қўниб ўтинг, дўстларим!

ҒАЗАЛХОНЛАР ДАВРАСИДА

ҲАБИБИЙ.

БИР ТОМОН

Бу нечук ҳижронки, жонон бир томон, жон бир томон,
Жонга дармон бир томону дарди ҳижрон бир томон.
Кенг жаҳон бўлмиш кураш майдони, билмам сир надир
Шонли инсон бир томону даҳру даврон бир томон.
Бир-бирига найзабозликда бани одам, кўринг,
Илму идрок бир томону жаҳлу нодон бир томон,
Гоҳ бўлур айшу ҳузуру гоҳ бўлур ғамга асир,
Шоду хандон бир томону зору-гирён бир томон.
Халқаро тўю тамошоларки қизғин авж олиб,
Ақлу виждон бир томону журму нуксон бир томон.
Ўйласанг ҳайратда қолдиргай табиатнинг иши,
Боғу бўстон бир томону чўл-биёбон бир томон.
Эй, Ҳабибий, тоза тут ўзни фасоду фитнадан,
Лутфи эҳсон бир томону рашку бўҳтон бир томон.

ДИЛДОРИНГИЗ

Ўргилай бўлсам гўзал Ширин каби дилдорингиз,
Меҳнату роҳатда ҳамдам, ёнингизда ёрингиз.
Навқирон, хушқомату лобар диловарсиз ажиб,
Ким кўзу кўнглимни олди оташин рухсорингиз.
Суҳбатингиз оҳким, бир дамда мафтун айлади,
Жон бағишлаб турфа жонпарвар шакар гуфторингиз.
Бўлди бағрим қон, чиқолмай бир қадам остонадан,
Раҳм этинг мен нотавон йўл узра бўлдим зорингиз.
Дардманди ишқ эрурман, эй, ҳокими ҳозиқим,
Чорасозимсиз, давоси васлингиз, дийдорингиз.
Бошим узра келсангиз жавлон уриб, от ўйнатиб,
Йўлингизда жон фидо қилмоққа мен тайёрингиз.
Эй, Ҳабибий, ўз-ўзимча ойга сўзлаб кечалар,
Лаҳза ҳам уйкуга бормас кўз, бўлиб бедорингиз.

Юсуфжон ҲУЗУРИЙ.

КЎРИНГ

Гарчи зотимни сўрарсиз, ҳур ҳаётимни кўринг,
«Пахтакор ўлка элидан» — шонли отимни кўринг.
Ушбу унвон борасида бўлса шубҳангиз агар,
Пахтазор саҳнида мавж урган бисотимни кўринг.
Ул бисотим ёғгали ерни очиш орзусида
Минг гўзаллик касб этган қир-қиёгимни кўринг,
Унча осон эрмагай қирни гулистон айламак,
Меҳнатимнинг равнақи дилда, саботимни кўринг.
Не сўрарсиз уйи-жойим, ки аниқ оламаро:
Ер уза ҳар шаҳру қишлоқу деҳотимни кўринг.
Тил ила дил бирлигини истасангиз, дўстлар,
Шу ҳузур айёмида битган баётимни кўринг.

ҚУЁШ

Мўътабар бахтимни қутлаб, теграга келмиш қуёш,
Бу гўзал ўлкам уни севганлигин билмиш қуёш.
Она юртим шуъласини зар жиға янглиғ кўриб,
Тарки тодқ айлаб севиниб, бошига киймиш қуёш.
Бир ажаб ҳангомаким Фарғона, Қарши даштида,
Саф-басаф гулшан кўраркан, бағрини тилмиш қуёш.
Кўҳна саҳро бағрига оққан сари дарё суви,
Кўп ҳарорат ваҳшатидин ёна айрилмиш қуёш.
Оқибат кўргач, бу чўллар ўрнида гулвоҳани,
Нойўруқ фарёдига афсус ҳам қилмиш қуёш.
Аввал-охир қиссани айтса Ҳузурий шеърида
Ғамларини тарк этиб, ерга боқиб кулмиш қуёш.

Ҳайдар ЯҲЁЕВ.

СИР ЭМАС

Соғиниш бирла висол айёми асло бир эмас,
Севги пинҳондир рақибдан, ёрлардан сир эмас.
Ҳар йигит қалби вафо бирлан бўларкан бир чаман,
Ёрига жабру жафо этмак азал тадбир эмас.
Гар қалам ёзган билан достонга дилдор исмини
Ёр аксини юракка чизмаса, тасвир эмас.
Дилрабо этса табассум минг ибода кўзлари,
Саф бўлур мижгонлари ким қотили шамшир эмас.
Мушку анбар бўйини тарқатгучи кокиллари,
Тонг ели бирла паришон сочи ҳам занжир эмас.
Ул сана ёди мудом хушнуд этар Яҳё дилин,
Айрилиқ аслида чин ошиққа хеч тақдир эмас.

БИЛМАДИНГИЗМУ

Ишқимни дил рубобин торидан билмадингму?
Шайдолигимни булбул зоридан билмадингму?
Хонишларимни тинглаб ҳар ғунча юз очаркан,
Соғинганимни, гул, гул норидан билмадингму?
Кўнгил пиёласидай тошганмикин шалола,
Қалбим гусини тоғлар коридан билмадингму?
Ҳар лаҳзаю дақиқам ёдинг-ла кечса, найлай,
Ошиқ кишини касби-коридан билмадингму?
Яҳё сўзини изҳор этмоққа чора топмай,
Кўнглида минг хижолат боридан билмадингму?

А. Твардовский 60 ёшда

Ғафур Ғулом ва А. Твардовский.

Асримизнинг улкан лирик шоирларидан бири, Ленин ва Давлат мукофоти лауреати Александр Трифонович Твардовский олтмиш ёшга тўлди. Кўп миллатли совет адабиётимизнинг атоқли намояндаси бўлмиш бу санъаткорнинг асарлари фақат Иттифоқимизда эмас, балки дунёнинг кўп мамлакатларида ҳам маълум ва машҳурдир. Шоирнинг назокатли ва теран лирик туркумлари ва «Муравия мамлакати», «Василий Тёркин», «Йўл ёқасидаги уй»· «Йироқ-йироқлар» каби достонларининг ҳар бири совет адабиётида катта воқеа бўлган дурдона асарлардир.

Твардовскийнинг анчагина шеърлари ва достонлари ўзбек китобхонларига ҳам яқиндан таниш. Унинг «Василий «Тёркин» (Р. Бобожон таржимасида), «Ленин ва печкачи» (Шукрулло таржимасида) достонлари тўлалигича босилиб чиққан. «Йирок-йироқлар» достонидан «Сибирь чироқлари», «Болаликдаги дўст» номли боблар Ғ. Ғулом ва Миртемир таржимасида шеърият мухлисларига туҳфа қилинган. Қуйида юбиляримизнинг лирикасидан намуналар ўқийсиз.

Александр ТВАРДОВСКИЙ.

КЎПРИК

Каллайи саҳарнинг қоронғисида
Сибирь қировига бурканган қўйи,
Кўприк қад кўтарди дарё устида,
Кўприкки, дунёга кетган обрўйи.
Экспрессни аста кифтига олиб,
Йироқ манзилига йўллади вазмин.
Тагида жарангос мусиқа чалиб,
Кўприк оркестрдай куйлади
вазмин.
Минг овозда, лекин мунтазам,
жўшқин
Ҳайқириқ таратди жарангдор
пўлат.
Ғилдирак остига жо бўлди секин
Шунчалар ҳайбатли, улкан иншоат.
Дарёнинг белига мингани замон
Пойтахтнинг состави сустроқ
юргандай,
Тантаналар чоғи босган ҳаяжон
Вагондан вагонга оқиб киргандай.
Ҳайқириқ, сурон-чи, чиқар авжига,
Гўёки оҳангдор буюк иншоат
Урал товшин қўшиб олди товшига,
Йўқ· йўқ бу ерда жам бутун
мамлакат:
Ўзга кўприкларнинг ҳайқириғию
Полвон кранларнинг
ғижирлашлари;
Дала симларининг шўх қўшиғию
Прокат станларин шалдирашлари,
Жамулжам,— овлоқни чароғон
этган
Қишлоқ движогин гуп-гуп нафаси,
Мақбара ёнидан саф тортиб ўтган
Залворли танкларнинг оғир
шарпаси.
Она юртимизнинг ҳамма ёғидан,
Металлга жо бўлган жамики
овоз,—
Магистрал излар бўйлаб дафъатан
Гўё оқиб келар эди шу нафас.
Қатлам-қатлам бўлиб ётган муз
узра
Бу девкор, қудратли садолар
янграр.
Соҳиллар устида, тайгалар ичра
Кезади музаффар, мағрур
оҳанглар...
Бу оҳангни, ўчмас йиллар меҳнати
Ўзининг бунёдкор зафарларида
Биздан авлодларига омон элтади
Севимли қўшиқдай асраб бағрида.
Бугунни файзиёб этган ҳар ютуқ
Гўё эртамизга қанотли мужда.
Яратибмиз кўприк, сарой ва
қўшиқ,
Истиқболга қадам етгани шу-да!
...Кўприк устунлари ортда қолади,
Музлаган қирғоққа дарё қисилар.
Поезд энди ер устида елади,
Тагимизда ер ҳам куйлар,
ҳарсиллар.
1950 йил.

Ю. ШОМАНСУР таржимаси.

Каптаржоним яхшисан,
Патларингни юлмайман.

Қорнинг очса дон бериб
Қанотингни силайман.

● *Ажойиботлар*

УЗУК ТАҚҚАН КАРТОШКА

Краснодар шаҳар касалхонасининг ходими Вера Усатенко ўз томорқасидаги ҳосилни йиғиб олаётган пайтда ғалати нарсага дуч келди. Ковлаб олинган картошкалардан бири «бармоғига» узук тақиб олган эди. Вера Усатенко бундоқ синчиклаб қараб, картошка «бармоғидаги» узукни таниди. Бундан тўрт йилча аввал бу узукни Веранинг туғилган кунида онаси ҳадя этган, кўп ўтмай Вера уни йўқотиб қўйган эди...

ДАРАХТ—ИМОРАТ

Тожикистон ССРнинг Дашманди қишлоғида улкан чинор қад кўтариб турибди. Бу азамат дарахтнинг бўйи роппа-роса 50 метр, танасининг айланаси 20 метрга тенг. Мутахассисларнинг ҳисоблашича, бу чинор 700 ёшга кирган. Чинор ичи XX аср бошларида эски мактаб хизматини ўтаган, ўттизинчи йилларга келиб колхоз молхонасига айланган. Ҳозир эса, дарахт ичида қишлоқ жувозхонаси ишлаб турибди. Бу антиқа дарахт Восеъ район ўрмон хўжалиги томонидан муҳофаза этилади.

● *Гулқайчи*

«Тадбир»лар оҳ... «тадбир»лар

Таниш-билишлар имшунақанги кўпки, мен ишлаётган статистика бошқармасида гилар ҳам бунинг ҳисобига ета олмаганлар. Ҳар куни бир-икки киши йўқлаб келади. Телефон тўхтовсиз жиринглаб туради.

Ҳамхоналарим мендан безор. Хўппа семиз ҳисобчимиз — Садир ака билан ади-бади айтишиб ҳам олдик. Мана икки кун бўлди, қовоғини очмайди. Хафа. Бирор иш қилиб кўнглига чироқ ёқишим керак. Бўлмаса, унча-мунчага кўнгли ёзиладиган одамга ўхшамайди.

Бошим қотиб турган эди, эшикни кимдир чертди. Садир акамга қарадим. Кўзи менда. Пешанаси тиришган. «Киринг» дедим-да, сапчиб ўрнимдан туриб, эшикни очдим. Ошнам. Область театрининг етакчи солистларидан. Ичкарига кирмоқчи эди, кўришишни баҳона қилиб ташқарига етакладим.

— Вой ошна-ей, мундоқ бизнинг районга бормайсан-а?

— Қани самоварга чиқайлик.

Чойхонада роса гаплашдик. Охири мен уни идорамизга тушлик вақтида келиб, бир-иккита хониш қилиб беришга кўндирдим. Зора хафа бўлиб юрган Садир аканинг шу билан кўнгли ёзилса. Ашулани яхши кўради.

Эртасига эрталаб ходимларга шуни эълон қилдим. Тушликда кўпчилик тўпланди. Хонамиз торлик қилиб қолди. Ошнам машқини бошлади.

Қаторасига ўнта ашула айтди. Қарсак устига қарсак. Чапакни ҳаммадан кўра Садир ака кўпроқ чалди, чамамда. Шу-шу хушмуомала бўлиб қолди. Кирган одамга ўтиргани стул бўлмай қолса, бошқа хоналардан топиб келади.

Дарвоқе, унинг местком раиси эканлигини айтмабман. Бугун-эрта ҳисоб беради. Бир ҳафтадан бери тайёргарлик кўряпти.

...Месткомнинг мажлиси бўляпти. Докладчи қилинган ишларини санашга тушди.

— Бу йил қатор тадбирлар белгилаган эдик. Деярли ҳаммаси амалга оширилди. Жумладан, ходимларнинг артист Эрбўтаев билан учрашуви вақтида ўтказилди.

Ноқулай аҳволда қолдим. Докладни эшитмай қўя қолай, дедим-да, стол устига ёзиғлиқ газетани эрмак қилишга тушдим. Дабдурустдан бир материалнинг ярмини ўқий бошладим. «...Театримиз коллективи четка районларга ҳам бориб туради. Ижодий коллективимиз аъзолари фақат гастроллар бериш билангина чегараланмай, меҳнаткашлар билан учрашувлар ҳам ўтказадилар. Планимизда камида ой сайин бир марта учрашув ўтказиш кўрсатилган. Бундай тадбир статистика бошқармасининг ходимлари билан ўтказилди. Артист Эрбўтаев театрнинг ижодий планлари ҳақида гапирди. Сўнгра бепул концерт қўйиб берилди».

Газетадан кўзимни олдим. Докладчи ҳамон ўтказилган тадбирлар ҳақида гапирар эди.

Муқимжон НИЁЗОВ.
Андижон.

ИСТИҚБОЛ ЭГАЛАРИ

Қуддус МУҲАММАДИЙ,
Ҳамза мукофоти лауреати.

МОМАҚАЛДИРОҚ

Апрель ойин шўх куни
Ҳаво бирдан айнади.
Осмонга булут тўлди,
Булут хирмон қайнади.
Шамол бошлаб тўполон
Дарахтларни силкитди,
Булутларни подадай
Кўкдан қувди, ирғитди.
Чақмоқ қиличи билан
Осмонни савалади.
Булут хирмон тўзиди,
Гавҳар ёмғир ёғади.
Бирдан гумбурлар қарс-
қурс,
Осмонда тўп отади.
Чақмоқ булут хирмонин
Парчалаб ушатади.
Болалар қўрқиб кетди:
«Бўлдими кўкда уруш?
Ерга етиб келса-а
Душманлар қилиб ҳуруж?»
Қўрқманг-қўрқманг· болалар,
Осмонда уруш бўлмас!
Осмон тўп отган билан
Ўқи одамга тегмас.
Зарар бермас хеч кимга
Аксинча, фойдаси бор.
Суғорар ер юзини,
Юртимиз бўлур гулзор.
Мўл бўлади ошу нон,
Мўл бўлади ноз-неъмат.
Кўклам-ёз ясанади,
Ватанга зеби-зийнат.
Неча минг дарёларни,
Неча минг анҳорларни
Бўйнидан шартта бойлаб,
Шамол полвон атайлаб
Булут мешига жойлаб,
Осмонга олиб чиқиб
Ҳаммага тенг баробар
Оби ҳаёт гавҳарин
Сочалоқ қилгани бу.
Кўклам ойнинг тўйини
Табриклаб келгани бу.
Шоҳи атлас бўйига
Гул сарпо тиккани бу.
Камалак ҳам шунданми,
Чаман офтоб кунданми?
Яна тағин, билмайман,
Сизлар билинг у ёғин.
Дарёдан битта томчи
Мен айтганим — бир ёғи.

Ҳамид ОЛИМЖОН.

ОМОННИНГ ШЕЪРИ

Туғилганман ёз куни,
Мевалар пишганида.
Шафтолилар тўкилиб,
Тагига тушганида.
Қовунлар шира босиб,
Тоғдай оғир бўлганда,
Тарвузнинг катта қорни
Шакарга тўлганида.
Шунинг учун ўзим ҳам
Қовундек мазаликман,
Аям тандирга ёпган
Нон каби жиззаликман.
Омон деган полвонман,
Жуда ҳам овозам зўр.
Ишонмасанг бери кел,
Мен билан олишиб кўр.
Унча-мунча одамни
Бир урсам сулатаман.
Ғайрат қилсам бир ўзим
Тарвузни қулатаман.

Обид РАСУЛОВ.

СУВ ҚЎШИҒИ

Мен — жўшқин сув,
Умид-орзу·
Ер томири — қониман.
Яшнатиб боғ,
Очиб қучоғ,
Пахта, буғдой кониман
Уйларга нур,
Танга ҳузур.
Меҳнаткаш эл жониман.
Ҳеч туганмас,
Ишда толмас,
Табиат эҳсониман.

Турсунбой АДАШБОЕВ.

ҚАТИҚ

— Каримахон, қайга
кетдинг,
Кел, сочимни
тараяпман.
Қатиқни тез олиб чиқ!
— Ҳозир, ойи
қараяпман.
— Озроқ эди, ичиб
қўйма!
— Ичганим йўқ,
ялаяпман.

ҚУЁННИНГ ҚУЛОҒИ

— Дада, нега
қуённинг
Қулоғи узун?
Шунча ўйлаб сабабин
Топмадим ўзим.
— Сўзларимнинг
мағзин чақ.
Келди хонаси.
Гап кирмагач,
қулоғидан
Чўзган онаси...

ПИЧАН ҒАРАМИ

Томирлар нақ ўқлоғи,
Қўлда чалғи, ўроғи,
Мускуллар пишиқ, бардам,
Ақл-идрокда бекам,
Меҳнаткаш Халил бобо
Роса ҳам уддабурро.
Тонг оқариб боқмасдан,
Офтоб кокил тақмасдан,
Гоҳ кўрасиз гулзорда,
Гоҳ эса пичанзорда.
У жонсарак иш билан
Қиш ғами «ташвиш» билан.

Одил АБДУРАҲМОНОВ.

УХЛА ЭНДИ, МИТТИЖОН

Онанг ишлаб ҳоради,
Нонга хамир қоради.
Уй супурар, ендирар,
Кўзи уйқу қидирар.
Етгин онанг ёшига,
Ёстиқ бергин бошига.
«Биғ-биғ»ламай чақалоқ,
Ухла энди, бақалоқ.

Толиб ЙЎЛДОШ.

ШАҲАРИМНИ СЕВАМАН

Шаҳаримни севаман,
Саҳаримни севаман.
Севаман, кўчаларин
Ёғдули кечаларин.
Унда ўйнаб тўймайман
Шўхлигимни қўймайман.
Шўхлигим — болалигим,
Эртанги бўлалигим.
Шундай қайнаб тошаман,
Улғайишга шошаман.

КЎЗА СИНДИРГАН АЗИЗМИ?!

Тупига яқин бир неча киши редакциямизга кириб келишди. Улар Бешқайрағоч массивидаги Акмал Икромов номли маҳалла активлари экан. Қўлларида қалин бир папка бор эди. Одатдагидек, ундаги ҳужжатлар билан танишa бошладик. Қарангки, Октябрь район милиция бўлими, ўзи безори деган шахсни оқлаб юборибди-да, шу безори жабрлаган кишини эса орадан тўрт ой ўтгач, қамаб қўйибди.

Маҳалла аҳли пучакни-пучакка, саракни-саракка айириб, редакцияга шикоятлар, тилхатлар ва турли ҳужжатларни олиб келишибди.

Шундан кейин, биз маҳаллада, бир неча ташкилотларда ва кишилар билан суҳбатда бўлиб, бу ҳангомани текшириб кўрдик.

Келинг, яхшиси воқеани бир чеккадан баён қилиб берайлик.

• • •

ИККИ хўроз бўйин чўзган ҳолда қанотларини патиллатишиб, қаттиқ «жанг» қилишарди. Қўлида кетмон кўтарган аёл буни кўриб ғазабга келди. Шу пайт йўлда келаётган ўрта яшар бир киши аёл томонга қайрилди:

—Ҳа, қариндош, нима гап? — сўради у.

Аёл бу кишини кўриб баттар тутоқиб кетди.

—Ҳа хўрозинг бошингни есин! — деб бақирди у. —Аҳмоқ, парранда боқсанг уйингда боқ, бу кўчада сенинг ҳаққинг йўқ, билдингми!...

Ҳамма ҳангома шундан бошланди. Уришаётган икки хўрознинг бири —Тойир Ризаевники, иккинчиси — Тўғаной Раҳимованики эди. Аёл ҳам, эркак ҳам қизишиб, аччиқ-нордон гаплар айтишди.

Тўғаной билан Тойир қош оралиғидаги ён қўшни, қолаверса қариндош-уруғ. Ҳовлиларини битта девор ажратиб туради, холос.

Шундай «ён қўшни-жон қўшни»ларнинг дили хўроз ҳангомасидан сўнг сиёҳ бўлди. Лекин бундан олдин Тўғаной ўз укаси Маҳмудга Тойир аканинг қизини сўратган эди. Аммо тақдир бўлмадими, у қизини бермади. Адоватнинг бир томони шу эди-ю, хўрозлар «жанги» баҳона бўлди.

Тўғаной югуриб бора туриб, жаҳлига чидолмай қўлига тош олади-ю, Тойир Ризаевга отабошлайди. Бир тош Тойир аканинг биқинига тегади. У биқинини ушлаганча уйига томон чопади. Шу пайт, Тўғаной орқасига қайтаётганида экинзорига тутиб қўйилган тиканли симга қоқилиб йиқилади.

—Вой-дод, одамлар! Тойир муттаҳам мени уряпти, ёрдам беринглар! — деб бақиради у.

Бу айюҳанносга ҳеч ким қулоқ солмайди. Тўғанойни Тойир ака урмаганини, аксинча унинг ўзи Тойир акага кетмон кўтариб, тош билан биқинига туширганини бир неча киши кўради.

Мана, шундай гувоҳлардан бирининг хати:

«Шу йил 13 февраль куни кўчага чиқиб турсам, бирдан шовқин кўтарилди. Тойир акага Раҳимова Тўғаной опа кетмон кўтариб югуриб келди, сўнг ердан тош олиб ота бошлади. Тошнинг биттаси Тойир аканинг биқинига тегди. Тойир ака уйига қочиб кириб кетди. М. Сайфиева, 1-босмахона ишчиси».

Редакциямизга олиб келинган папкада шу мазмунда М. Муҳамаджонова, М. Қаюмов, Т. Ризаев ва бошқа ўртоқларнинг гувоҳлик хатлари бор.

Лекин Тўғаной индамай қолмади. У Октябрь район милиция бўлимига бориб, участка вакили Худойберди Муҳамедовни маҳаллага бошлаб келди, туҳмат гаплар билан акт туздирди. Аммо маҳалла активлари шу кунiёқ масалани ҳал қилиб, ён қўшниларни яраштириб қўйди. Тўғаной, Тойир акада ҳеч ҳақдавойим йўқ, деган мазмунда, Тойир ака эса айтган аччиқ сўзларини қайтиб олдим, деб тилхат ёзиб берди.

Ўтники-ўтга, сувники-сувга, қолди қатиқнинг пули, дегандек, ҳаммаси яхшиликча босди-босди бўлди.

Эртаси куни, Тўқимачи кўчасида яна қий-чув кўтарилди. Бу сафар «ҳангома саҳнаси»га Тўғанойнинг йигирма бир яшар ўғли Абдузоҳид Раҳимов тош кўтариб чиқди. У соат ўн иккида уйига қайтиб келаётган Тойир Ризаевнинг йўлини тўсди:

—Кеча ойимга нима дединг?! —ўшқирди у. —Сени ўлдираман!

«Кучи» айқирган Абдузоҳид уни дўппослай бошлади, тош билан бошига урди. Тойир аканинг ҳамма ёғи қонга беланди.

Воқеадан хабар топган Тойир аканинг умр йўлдоши Муборак опа қўлидаги боласини ташлаб кўчага югурди. Шу пайт Абдузоҳид унга ўшқирди:

—Эрингни ҳам, сени ҳам ўлдираман!

—Қўйинг, укажон, —ёлворди Муборак опа, — Тойир аканиз касалванд, кекса одам... Ўлдираман деманг, саккизта боламиз бор, ҳаммасини етим қиласизми?!..

ТАШВИШЛИ СИГНАЛ

Нари ёқда келаётган Зайниддин Тошмуҳамедов жонга аро кирди. Мана унинг гувоҳлик хати:

«1970 йил 14 февраль куни соат 12 да қайнағамникига кетаётган эдим. Абдузоҳид билан Тойир акамнинг айтишиб турганини кўрдим. Орамиздаги масофа 50 метрча эди. Шу вақт Абдузоҳид Тойир акани тарсиллатиб ура бошлади. Тойир аканинг юзи қонаб кетди, кейин Абдузоҳид Тойир акани бўғиб, қорнига тепди. Мен шу вақт югуриб бориб, ажратиб қўйдим. Қарши томондан келаётган тоғам Иброҳим Акромов ҳам ажратишда ёрдамлашди. З. Тошмуҳамедов, шаҳардаги тажриба-техника базаси ишчиси».

Ана шу воқеанинг гувоҳи бўлган М. Ғиёсова, М. Нурматова ва маҳалла активларининг бир группаси ҳам редакциямизга шу мазмунда хат йўллашган.

Калтакланиб беҳуш ҳолга тушган Тойир акани умр йўлдоши Муборак опа 16-шаҳар клиника касалхонасига олиб келади. Шифокорлар унинг жигари эзилганлигини бош суяги ва юзлари жароҳатланганлигини аниқлашади. Унинг жигарини операция қилиш керак эди. Лекин у 2-сил касалликлари диспансерида 1958 йилдан буён ҳисобда туради. Шунинг учун, бемор операцияга ётишга рози бўлмайди.

Энди гапни Абдузоҳиддан эшитинг. У ўз қилмиши учун орадан бир кун ўтгач, участка вакили Ҳ. Муҳамедов томонидан қўлга олинди. Шундан сўнг, 23 февраль куни Тошкент телевизорида, 24 февраль куни эса «Тошкент оқшоми» газетасида «Бундайларга орамизда ўрин йўқ!» рубрикаси остида сазойи қилиб, сурати эълон қилинди. Буни Октябрь район милиция бўлими тавсия этган эди, лекин бунга охиригача амал қилиш ўрнига, ишни бошқача йўсинга кўчириб юборди. Безори ўн беш сутка қамоқ жазоси олмай, уч кунда маҳаллага қайтиб келди. Маҳалла активлари уни кечириб, «Энди одам бўл, ишла, ўқи, бахтингни топ», —дейишди.

Абдузоҳид ишга ва ўқишга жойлашди.

Во ажабо, чарх кажрафторининг ишини қарангки, безорининг омадини ўнглаб, озор топган кишининг бошига кулфат солди. Ҳеч нимадан ҳеч нима йўқ, шу йил 4 май куни Тўғаной Раҳимова ишни қайтадан қўзғатди. У, Тойир ака билан уришганига орадан 17 кун ўтгач, 1-шаҳар касалхонасига ётди. У, «Мени қўшним 10 февралда урди, жароҳатландим» деди. Ваҳоланки, у ўзи сим устига йиқилганда кўз ости билинар-билинмас қирилган, бу «дард» тезда тузалиб кетган эди.

Шундай қилиб, иш қайта қўзғалди. Район милиция бўлими ўзи безори деган кишисини оқлаб юбориб, жабрланган Тойир Ризаевни шу йил 2 июнь куни қамоққа олди.

Терговлар бошланди. Октябрь район милиция бўлими терговчи ўртоқ Ўзбек Расулев бу ишни виждонан яхши бошлади, лекин поёнига етказолмади. Ҳужжатлар энди терговчи М. Абдуллаев қўлига ўтди. Бу терговчи ҳақни ноҳақдан айиришда бир томонга «оғиб» иш кўрадиган чиқиб қолди. У, ҳақли гувоҳлар сўзига ҳам, маҳалла комитети ва унинг активлари қарорига ҳам қулоқ солмайди, ҳеч кимни писанд қилмайди, кўпчилик ҳақиқатни айтади-ю, у эса торозини бир томонга босади. У, шу йил 8 июнь куни соат 10 да 6-Бирлик поликлиникасининг маҳалладаги филиалига кириб келиб: «Тўғанойнинг анкетасини топиб беринглар, бўлмаса сизларни ҳам жавобгарликка тортаман!», деб дўқ қилган. Ваҳоланки, Т. Раҳимова бир марта ҳам поликлиникага чиқмаган.

Воқеаларнинг айнан гувоҳи бўлган кишилар терговчи М. Абдуллаевга ўзларининг виждон сўзларини айтмоқчи бўлиб борганларида, кимки Тойир Ризаев ҳақида гапирса, эшитмай чиқариб юборган, Абдузоҳиднинг айбларини айтмоқчи бўлишганда эса: «У ҳақда гапирманг, мен Абдузоҳидни яхши биламан», деган. Бу ҳақда папкада бир неча шикоят хатлари бор. Уларнинг мазмуни шундай: зийраклик, ҳаққонийлик, ҳар бир кишининг дилига қулоқ тутиш совет юристларининг фазилати! Аммо терговчи М. Абдуллаевда бу фазилатлар ўрнини дўқ уриш, одамлар гувоҳлигига ишонмаслик ва уларни тингламаслик ўрин олганку!

Безоридан озор чеккан касалманд Тойир Ризаев ҳозир қамоқда ётибди. Унинг беҳуда озор чекаётганига Бешқайрағочдаги Акмал Икромов номли маҳалла аҳли норози бўляпти. Бу ҳақда уларнинг юрак сўзлари ёзилган кўплаб хатлар бор.

Акмал Икромов номли маҳалла комитетининг раиси Л. Ҳамидов ҳамда маҳалла аҳли берган характеристикада, Тойир ака Ризаев бирор марта биров билан уришмаганлиги, маҳалладаги барча қурилиш ишларида қатнашганлиги, меҳнаткашлиги кўрсатиб ўтилган. Улар ҳамма ҳақиқатни айтиб, шундай ёзишган: **сув келтирган хор-зору, кўза синдирган азизми? Йўқ, одил совет қонуни бунга йўл қўймайди.**

Тойир Ризаевнинг умр йўлдоши редакциямизга юборган хатида бундай деб ёзади:

«Ҳурматли редакция! Ҳамма гапларни аниқ ва рост ёздим. Текшириб кўринглар. Саккизта ёш болам ҳурмати, инсоний ҳақиқат йўлини топиб беринглар, чунки, менинг бу нораста болаларим узоқ тунлари ухламай, тунни кунга улаб: «Оҳ, дадамлар қачон келаркинлар!» деб нола чекишяпти. Эримнинг айби бунчалик эмас, текшириб, одамлардан сўраб кўринглар».

Воқеалар ана шулардан иборат. Лекин бизни бир нарса жуда таажжубга солмоқда: бировни калтаклаган Абдузоҳид нега бирор жазо олмади? Ахир, унинг безорилигини Октябрь район милиция бўлимининг ўзи телевизорда ва газетада эълон қилдирдику?! Тойир Ризаевни қамаб қўйиб, у ҳақда уйма-уй, кўчама-кўча юриб ҳужжат тўплаётган терговчи М. Абдуллаевнинг мақсади нима?

Бу саволлар учун неча-неча кишилар, қанчалаб ташкилотлар овора бўляпти.

Октябрь район милиция бўлими ва прокуратурадаги раҳбар ўртоқлар бунга жавоб беришлари керак!

К. НОРМАТОВ,
Т. РАСУЛЕВ.

● Текинхўрлик, безорилик ва ичкиликбозликка шафқат йўқ!

ШАҲРИМИЗГА ДОҒ ТУШИРАЁТГАНЛАР

Майда безорилик учун жазоланганлар

◆ **Кочергин В. К.** 1944 йилда туғилган. Шаҳар пассажир ташиш трестига қарашли 8-автобус парки шофёри. Маст ҳолида уйида жанжал кўтариб, қўшниларнинг оромини бузганлиги учун 15 суткага ҳукм қилинди.

◆ **Акисов М. В.** 1916 йилда туғилган. 3-қурилиш трестининг 23-бошқармаси ишчиси. Маст ҳолида жамоат тартибини бузганлиги учун 15 суткага қамалди.

Ҳушёрхонада тунаганлар

◆ **Шермуҳамедов М.** 1939 йилда туғилган. 1-пойафзал фабрикасининг 5-цехи ишчиси.

◆ **Харламов А. Н.** 1929 йилда туғилган. Тепловоз депоси слесари.

◆ **Кузнецов В. В.** 1938 йилда туғилган. «Ўзбекистон» кўн бирлашмасининг ишлаб чиқариш бўлими сувоқчиси.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»ДА БОСИЛГАНДАН КЕЙИН

МУКОФОТДАН МАҲРУМ БЎЛДИ

Газетамизнинг 26 май сонида майда безорилиги учун қамалганлар қаторида ихтисослаштирилган йўл-эксплуатация трестининг ходими П. Турчиннинг ҳам бўлгани хабар қилинган эди.

Олинган жавобда кўрсатилишича, Турчиннинг хулқи коллектив ўртасида муҳокама қилиниб, унга виговор берилди ва мукофотдан маҳрум этилди.

ҚАТТИҚ ОГОҲЛАНТИРИЛДИ

1-пойафзал фабрикасининг ишчиси Доронин майда безорилиги учун қамалгани газетамизнинг 25 май сонида хабар қилинган эди.

Фабрика маъмуриятидан жавоб олинди. Дорониннинг хулқи муҳокама қилинди ва у қаттиқ огоҳлантирилди.

Редактор ўринбосари М. КАРИМОВ.

«Пахтакор»нинг рақиблари

«ТОРПЕДО» (КУТАИСИ)

Бугун Тошкентдаги Марказий «Пахтакор» стадионида майдон эгалари футбол бўйича мамлакат биринчилигининг навбатдаги турида Кутаиси шаҳрининг «Торпедо» командасини қабул қиладилар. Қуйида биз газетхонларни пахтакорчиларнинг бугунги рақиби «Торпедо» билан таништирамиз.

ПАХТАКОРЧИЛАРНИНГ Кутаиси футболчилари билан танишганларига кўп вақт бўлгани йўқ. Мамлакат биринчилиги ўйинларида бу коллективлар ўзаро 14 марта беллашган. Шу ўйинларнинг тўрттаси ўзбек футболчиларининг, тўрттаси грузин футболчиларининг ғалабаси билан тугаган, олти учрашувда рақибларнинг кучи тенг келди. Очколар тенг бўлиб олинганига қарамай учрашувдаги тўплар нисбати грузин футболчилари фойдасига — 14:11. Шуни айтиш керакки, «Торпедо» ўзининг энг йирик ғалабасини ҳам тошкентликлар билан учрашувда қўлга киритган. 1965 йилги бу учрашувда улар «Пахтакор» дарвозасига жавобсиз тўрт тўп киритишга муваффақ бўлганлар. Торпедочилар икки марта йирик ҳисоб билан мағлубиятга учраганлар. Улар 1964 йили Ростов армиячиларидан ва 1966 йили Бокунинг «Нефтчи» командасидан бир хил ҳисобда—0:7 таслим бўлганлар.

Кутаиси спортчилари совет футболининг олий лигасида биринчи марта 1962 йили пайдо бўлишди. Шу вақтдан бери торпедочилар узлуксиз барча чемпионатда иштирок этиб келишмоқда. Олий лигада биринчи марта ўйнаган «Торпедо» футболчилари «Одил ўйин учун» мукофотига сазовор бўлган эдилар.

Кутаиси торпедочилари мамлакат биринчилиги ўйинларида юқори ўринларни эгаллашмаган. Команданинг энг муваффақиятли ўйнаган йили 1963 йил бўлиб, шу йили команда 12 ўринга кўтарилди.

Аммо бу «ўртача» команда билан ҳамма вақт эҳтиёт бўлиб ўйнаш лозим.

Грузин футболчиларининг СССР Кубоги учун ўйинлардаги натижалари янада камтариндир. Бу йилги мавсумга қадар «Торпедо» фахрли соврин учун ўн учрашув ўтказган эди. Уларнинг натижалари — тўққиз мағлубият ва бир дуранг. Бу йил эса улар кубок ўйинларида бирмунча муваффақиятли ўйнадилар. Москва темирйўлчиларини 2:1 ва 3:0 ҳисоби билан мағлубиятга учратган торпедочилар йўлини «Динамо» (Тбилиси) командаси тўсди. Гарчи рақибларнинг икки учрашуви ҳам дуранг (1:1, 0:0) натижа билан тугаган бўлишига қарамай, тбилисиликлар курашни давом эттириш ҳуқуқини қўлга киритдилар. Чунки улар терма команда составига бир неча ўйинчиларини юборишган эди.

«Торпедо» футболчилари бу йилги мавсумда 13 ўйиндан сўнг 11 очко тўплаб, бугунги кунда пахтакорчилардан юқори ўринда туришибди.

Команда шарафини қуйидаги футболчилар ҳимоя қилишмоқда: дарвозабонлар—Д. Гогия, Т. Грдзелишвили, ҳимоячилар—Г. Абзианидзе, А. Цверава, Ю. Чхаидзе, М. Шергелашвили; ярим ҳимоячилар— Г. Анфимиади, Г. Кикава, Р. Чохонелидзе; ҳужумчилар—Д. Векуа, С. Коридзе, Ш. Окропирашвили, Р. Саная, Ж. Херхадзе ва бошқалар.

Гол.

Н. Надеждин фотоси.

РЕКЛАМА ва ЭЪЛОНЛАР

ТЕАТР

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА— 6|VII да **Тошболта ошиқ**, 8|VII да **Ажаб савдолар**.

Қино

7 ИЮЛДА

ҚИШКИ БИНОДА

Уч ёқлама текширув— «ЧАЙКА», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), САНЪАТ САРОЙИ (эрталаб соат 11 кундуз 1.3, 5 ярим ва кеч 7 яримда), «МОСКВА» (эрталаб соат 11, кундуз 4, кеч 9 да).

Яшасин севги!—«ЎЗБЕКИСТОН», НАВОИЙ номли, «ВОСТОК», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ (кундуз ва кечқурун) САНЪАТ САРОЙИ (кеч соат 9 да).

Қора лола—«ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун).

Ҳалоскорлик (1 ва 2 серия)——«МОСКВА» (кундуз соат 1 ва кеч 6 да).

ЁЗГИ БИНОДА

(Кеч соат 9 ва 10.40 минутда бошланади)

Уч ёқлама текширув — «ФЕСТИВАЛЬ».

Қашқирлар ороли —«ХИВА», «РАКЕТА».

8 ИЮЛДА

ҚИШКИ БИНОДА

Уч ёқлама текширув— «ЧАЙКА», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), «САНЪАТ САРОЙИ» (эрталаб соат 11, кундуз 1, 3, 5 ярим ва кеч 7 ярмида), «МОСКВА» (эрталаб соат 11, кундуз 4, кеч 9 да).

Яшасин севги! — «ЎЗБЕКИСТОН», НАВОИЙ НОМЛИ, «ВОСТОК», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), «САНЪАТ САРОЙИ» (кеч соат 9 да).

Қора лола —«ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун).

Ҳалоскорлик (1 ва 2 серия) ——«МОСКВА» (кундуз соат 1 ва кеч 6 да).

ЁЗГИ БИНОДА

(Кеч соат 9 ва 10.40 минутда бошланади)

Уч ёқлама текширув —«ФЕСТИВАЛЬ».

Қашқирлар ороли—«ХИВА».

Эркак ва аёл — «РАКЕТА».

«ЎЗБЕККОНЦЕРТ»

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

8, 9, 11, 12 ИЮЛДА

ҲИНД

АРТИСТЛАРИНИНГ

ГАСТРОЛЛАРИ

ПРОГРАММАДА—ҳинд музика ва рақслари.

Концерт кеч соат 8 ярмида бошланади.

Билетлар концерт зали кассасида кундуз соат 2 дан сотилади.

Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинади.

«МОСКВА»
КИНОТЕАТРИДА

6 ИЮЛДАН БОШЛАБ

КЎП СОНЛИ ТОМОШАБИНЛАРНИНГ ТАЛАБИГА МУВОФИҚ КЕНГ ФОРМАТЛИ

«ҲАЛОСКОРЛИК»

БАДИИЙ
ФИЛЬМИ
(1, 2 серия)
НАМОЙИШ
ҚИЛИНАДИ

Сеанслар кундуз соат 1 ва кеч 6 да бошланади.

ТОШКЕНТ «ЮЛДУЗ» ТИКУВЧИЛИК ФИРМАСИГА

катта молиячи, катта бухгалтерлар, бухгалтерлар, омборчилар, ҳисобчилар

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент-106, В. Малясов кўчаси, 2 уй, телефонлар: 35-21-01, 35-22-01.

Радио

7
ИЮЛЬ
СЕШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

6.15 Тонгги концерт. **7.40** И. Ҳамроев. Чанг ва оркестр учун концерт. **8.25** Ўзбекистон радиоси ва телевидениеси солистлари ва халқ чолғу асбоблари оркестрининг концерти. **9.30** Фортепьяно пьесалари. **10.30** Куйлардан —қўшиқларга. **11.15** ««Техника тараққиёти одимлари» туркумидан (ўзбекча). **11.30** «Гулсара» операсидан парчалар. **13.30** Г. Пономаренко, Е. Кузнецов ва А. Аверкин қўшиқлари ижро этилади. **16.10** «Ёшлар ижоди». Т. Ҳидиров ва С. Қўқонбеков асарлари. 16.50 «Правда» газетасининг обзори.

18.00 «Мўл пахта ҳосили учун тараддуд» (русча). **18.10** С. Жалил. «Тошкент манзаралари» симфоник сюитаси. **18.40** Спорт эшиттириши (ўзбекча). **19.20** Ўзбекистон композиторларининг хор асарлари. **20.00** «ЁШЛИК» радиостанциясининг программаси. **21.00** Халқаро мавзуларда суҳбат (ўзбекча). **21.10** Қишлоқ хўжалик ходимлари учун концерт. **22.20** СССР халқ артисти Саодат Қобилова куйлайди. **22.40** Севимли ёзувчилар радиокутубхонаси. Жек Лондон. «Бир кунлик бекат». Инсценировка қилинган ҳикоя (ўзбекча). **23.15** «Чорвоқ чироқлари». Музикали-адабий композиция. **24.00** Тунги концерт.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 Венгрия радиоси солистлари ва эстрада оркестрининг концерти. **9.15** Реклама ва эълонлар.

19.00 «Машраб лирикаси». Радиокомпозиция (ўзбекча). **19.30** Радио эшитувчиларнинг хатлари асосида. «Этюд». Музикали новелла. **20.00** Далада ишлаётганлар учун концерт (тожикча). **20.30** Қорақалпоқ куйлари. **20.50** «Сўнмас у кунлар шуҳрати». Белоруссия радиосининг эшиттириши (русча). **21.00** К. Чандр. «ТУЙ». Инсценировка қилинган ҳикоя (ўзбекча). **21.40** МОСКВА.

Телевизор

6
ИЮЛЬ
ДУШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

18.25 Кўрсатувлар программаси.

Рус тилида: 18.30 Совет Армияси жангчилари учун. «Шоншуҳрат қозонган номлар». **18.50** Реклама. **19.00** Футбол бўйича СССР биринчилиги «ПАХТАКОР» —«ТОРПЕДО» (Кутаиси). Танаффус вақтида телевизион янгиликлар.

Ўзбек тилида: 20.45 Телевизион янгиликлар. **21.00** Кичик концерт. **21.25** «Маочиларнинг ҳалокатли йўли». Ҳужжатли фильм.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

22.30 Рангли телевидение. Футбол бўйича СССР биринчилиги. «Торпедо» (Москва) —«Динамо» (Киев). Танаффус вақтида янгиликлар. **00.15** «Оққуш кўли». Фильм-балет. **01.45** Москва кўрсатувларининг охири.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

ЎҚУВ КЎРСАТУВЛАРИ ПРОГРАММАСИ

Ўзбек тилида: 18.00 Абитуриентлар учун. Физика. **19.00** Абитуриентлар учун. Математика.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

20.00 Кўрсатувлар программаси. **20.05** Янгиликлар. **20.15** «Зангори экран» ҳафталиги. **20.30** «Пионерия» телевизион агентлиги. **21.00** Янгиликлар. **21.05** Қардош республикалар ёш шоирларининг IV Бутуниттифоқ фестивалининг якунловчи кечаси. **22.00** «Вақт» информацион программаси.

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 22.30 «Руставели ва у яшаган давр». Ҳужжатли фильм.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

ДУШАНБА КЎРСАТАДИ

Рус тилида: 18.00 Экран —болаларга. **18.40** «Машъал». Тележурнал. **19.10** Янгиликлар. **19.25** «Бумеранг». Бадиий фильм. **20.50** Оқшом эртаклари.

Тожик тилида: 21.00 «Инсон, жамият, қонун». **21.20** «Яна бир тилак». **22.00** Янгиликлар. **22.15** Музикали экран.

Тошкент оқшоми 4 бет.
6 ИЮЛЬ, 1970 й.

«Вечерний Ташкент»
орган Ташкентского
горкома КП Узбекистана
и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳар, Дзержинский кўчаси, 15-уй. Редакция телефонлари: Коммутатор—33-02-49 дан 33-02-58 гача, редактор ўринбосарлари 33-29-33, 33-29-09, масъул секретарлар—33-27-22 партия, совет ва касаба союз ташкилотлари, шаҳар хўжалиги бўлимлари, 33-29-42, адабиёт, санъат ва маданият бўлимлари—33-29-55, хатлар ва оммавий ишлар—33-27-70, фан ва олий ўқув юртлари, иллюстрация бўлимлари—33-27-57, саноат, транспорт ва қурилиш бўлимлари—33-27-03, ахборот бўлими —33-28-95 эълонлар бўлими — 33-81-42.

Ўзбекистон Компартияси
Марказий Комитети
нашриётининг босмахонаси
Тошкент шаҳри.

ИНДЕКС 64579
НАШР 3045.
Р —04202.